

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР САРИ: ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОЙИШИДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Қиличбоев Ободбой,

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
Илмий методика ва тадқиқот хизмати бош мутахассиси*

Китоб... кутубхона... китобхон... Бир-бирига боғлиқ тушунчалар. Дунёнинг қайси мамлакатига борманг бу атамаларни учратиш мумкин. Улар турлича атамалар билан номлансада вазифаси, йўналишлари, мақсадлари бир хил. Бу кишилик жамиятининг ривожини учун ҳисса қўшадиган маънавий бойликдир.

Дунё мамлакатларида китобни тарғиб қилиш, китобхонларни кутубхоналарга жалб қилиш, китобларни ва кутубхоналарни реклама қилиш, шунингдек аҳолини китоб ўқишга қизиқтириш мақсадларида турли хил ғаройиб, антика усуллардан фойдаланишар эканлар.

Масалан, Германиянинг Франкфурт шаҳридаги кўчада «китоблар»дан бир неча метр баладликда устунлар ясатилган бўлиб, ҳеч қачон йиқилмас экан. Канзас-Сити кутубхонаси улкан китоблар пештахтаси тасвири билан қопланган автомобиллар тураргоҳи билан машҳур ҳисобланаркин. АҚШнинг шимоли-ғарбидаги Портланд давлат университетининг автомобиль тўхташ жойини топиш жуда осон – бунинг учун «бахайбат» китобларни излаш етарли. Франциянинг Лион шаҳридаги шаҳар жамоат кутубхонасининг деворини «Китоблар» безаб тураркин. Бундай манзараларни кўриб инсоннинг ҳаваси келиб кайфияти кўтарилса, иккинчи томондан китоб ўқишга қизиқиш ўйгонса ажабмас.

Келинг шу ўринда жаҳонда, МДХ давлатларида ҳамда юртимизда кутубхоначилик, китоб ва китобхонлик бўйича қандай муҳим саналар, байрамлар ҳамда тадбирлар мавжудлигига ҳам эътиборимизни қаратсак:

- 23 апрел – Бутун жаҳон китоб куни;

- 2 апрель – Халқаро болалар китоби куни;

Октябрнинг тўртинчи душанбасида Халқаро мактаб кутубхоналари куни нишонланади.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгаши томонидан МДХ мамлакатларида «2008 йил – Адабиёт ва мутолаа йили» деб эълон қилинган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 2003 йилдан бошлаб «Китобхонлик куни» ўтказила бошланди. «Китобхонлик куни» байрами 2005 йилдан «Мутолаа байрами» деб номланди. Бу тадбир 2009 йилгача давом эттирилди. Ушбу тадбир 2012 йилдан эса Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги номи билан давом эттирилмоқда.

Тадбирнинг мақсади аҳолининг айниқса, ёшларнинг мутолаа маданиятини кўтариш, нашриётчилик фаолиятини ривожлантириш ва республика аҳолисининг кенг қатламларини янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш, ахборот олишнинг янги технологиялари билан таништириш ва уни тарғиб қилишдан иборатдир.

Бундан ташқари, «Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси», «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила», «Энг яхши ахборот-ресурс маркази» каби танловлар ўтказилади.

Юртимизда 2000 йилнинг охирларидан бошлаб кутубхоначилик соҳасида ҳам бир қанча муваффақият ва ютуқларга эришила бошланди. 2011 йилда аҳолининг қолаверса ёшларнинг ҳар томонлама билим олишлари учун қулай имконият ва шароитлар яратилган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун замонавий биносининг фойдаланишга топширилишидир.

Ушбу ишларнинг давоми сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Нукус ва Беруний шаҳрида болалар кутубхонаси, Сурхондарё вилояти Термиз давлат университети, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Низомий номидаги педагогика университети Ахборот-ресурс марказлари учун замонавий биноларини келтириш мумкин.

Ҳозирда Сурхондарё вилояти аҳолиси учун ахборот-кутубхона маркази биносини қурилмоқда.

Булар ҳукуратимиз томонидан кутубхоначилик соҳасига берилаётган эътиборнинг, қолаверса халқимизнинг китоб ўқиби илмли, билимли бўлиши учун ғамхўрликнинг бир йўлидир.

Тўғри, бу маънавият масканларининг ҳаммаси шаҳар марказ-

ларида жойлашган. Эндиги вазифа ҳар бир туманда чиройли, энг замонавий кутубхоналар қуришдир.

2017 йил 12 январда «Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида» Ф-4789-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши эълон қилинди. Фармойиш аҳолини кутубхоналарга янада кўпроқ жаб этишда, китоб ўқишни ривожлантириш, кутубхоналарни ташкил этиш ва керакли адабиётлар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади дейиш мумкин.

Унда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш;

- мавжуд ахборот-кутубхона муассасалари аҳолининг кенг қатламларига хизмат кўрсатиши зарурлигидан келиб чиқиб, уларнинг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича жойлашиш ва бўйсунуш тартибини қайта кўриб чиқиш;

- ахборот-кутубхона муассасаларининг, айниқса, таълим соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари фондларини шакллантиришда ўқув адабиётлари билан бир қаторда бадиий, маърифий, илмий-оммабоп адабиётлар рўйхатини ҳамда уларни харид қилиш бўйича харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиш;

- кутубхоналар, маҳаллаларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш;

- ҳудудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўргасида бадиий жиҳатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар («Йилнинг энг яхши китоби», «Энг яхши китобхон оила», «Йилнинг энг яхши болалар китоби», «Йилнинг энг яхши аудио китоби», «Йилнинг энг яхши электрон китоби» каби) ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат органини белгилаш вазифалари қўйилди.

Келгуси йилларда дастурда белгиланган ишлар амалга оширилади. Ютук ва тажрибаларимиз ўзимизники. Юқорида санаб ўтилган ютук ва тажрибалар билан ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлди дейиш нотўғри. Ҳали келгусида ахборот-кутубхона фаолияти бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Бунинг учун янада ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш лозим. МДХ ва хориж тажрибаларини ўрганиб амалиётга тадбиқ этиш лозим. Яқинда кизик материал ўқиб қолдим. Келинг яхшиси уни шундай-лигича Сизнинг эътиборизга ҳавола этсам.

Яхши китобни олиб, ўринга қулай ўрнашиб олишдан яхшиси йўқдек туюлади баъзан. Япониядаги ноодатий кутубхоналардан бирида бу икки севимли машғулот учун қулай имконият ярагилган.

Book and Bed (Китоб ва каравот) бу – Токиода 30 кишига мўлжалланган кичик хостель. Бу ерга ташриф буюрганлар китобларга тўла кутубхона жавонлари ортида яширинган кичик хужрачаларда дам олишлари мумкин.

Тунги уйқу учун энг яхши жой деб бўлмайди, албатта. Бу ерда қулай матраслар, момик ёстиқлар, енгил адёллар йўқ.

Ётоқхона бунинг ўрнига китобсеварларга ўзгача тажриба - китоб мутолаа қилиб, дам олишни таклиф қилади.

Бундай ётоқxonанинг бир кунлик нархи - 34 доллар атрофида. Ҳар бир номерда оддий матрас ва мутолаа учун чирок бор. Шунингдек бепул Wi-Fi ҳам тақдим этилади.

Маълумотларга кўра, кутубхонадаги китоблар сони - 3000 тага яқин.

Хўш, ҳуқуматимиз томонидан хайрли ишлар амалга ошириляётган экан бугунги кунда китобга муносабат, китобхонлик ҳақида фикр юритсак.

Маълумки оммавий китобхонликка халқимиз асрлар давомида кадрият даражасида қараб келган. Умумбашарий нодир асарлар оммавий китобхонлик давраларида ўқилган. Улардаги панд-насихат қуруқдан-қуруқ баён этилмаган, албатта. Бадиий ғоя кизикарли сюжетлар орқали ифодаланган. «Кутадғу билиг», «Девони ҳикмат», «Гулистон», «Бўстон», «Маснавийи маънавий», «Маҳбул қулуб», «Ҳайрат ул-Аброр», «Чор дарвеш», «Калила ва Димна», «Иброҳим Адҳам», «Қиссаи Машраб» «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» ва бошқа ўнлаб асарлар тарбияга хизмат қилган. Бугунги

кунда ҳам қатор адибларимизнинг асарлари бу рўйхатни давом эттириш мумкин.

Кейинги вақтларда кундалик турмушимизда, оммавий ахборот воситаларида, телевидение ва радиода тез-тез тилга олина бошлади.

Китоб мутолааси кўнгил хоҳиши билан боғлиқ машғулот. Албатта, ҳеч ким бировни китоб ўқишга мажбурлай олмайди. Аксинча, мутолаага даъват этиш мумкин холос.

Менинг назаримда жамиятимизда китоб ўқишга муносабат ўзгаргандек. Бу бирданига кеча ё бугун содир бўлган ҳодиса дейиш қийин. Йиллар давомида тўпланган муаммо дейиш мумкин. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки даврларида кишилар кўпроқ ҳамда тезда моддий манфаат кўриш истагида бўлишди. Кутубхоначилик касбига фойда келтирмайдиган соҳа сифатида қараб китоб ўқимасдан ҳам юқори поғаларга эришиш мумкин деган тасаввурлар пайдо бўла бошлади. Натижада ўқиган, илмли, зиёли кишилар билан ўқимаган одамлар ўртасида тафовут йўқола бошлади.

Айрим соҳалар узоқ йиллардан кейин самарасини беради. Шундайлардан кутубхоначилик, ўқитувчилик касбларидир. Илм олиш, китоб ўқиш эса игна билан қудуқ қазииш кабидир. Бунинг самараси эса нафақат ўзига балки жамият ривожига, тараққиётга ҳам жуда катта фойда келтириши шубҳасиз.

Миллатнинг маънавий-руҳий дунёсини китобга муносабати, китобхонлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Бунда аҳолининг сони кўплиги билан эмас балки, тараққиёт ривожига китоб ўқиётган, ўқиганда ҳам уқийдиганларга уларнинг ўрни ва билим даражасига боғлиқдир.

Демак ҳулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларнинг китобга кизикиши ошишини истасак, аввало, бутун жамиятда ўқиган одамларнинг ўқимаган кишиларга нисбатан, озгина бўлса-да, яхшироқ яшашига эришишимиз керак.